

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**45-сон**  
**(1065)**  
**2022 йил**  
**ноябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

417. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 7 ноябрдаги ЎРҚ–801-сон Қонуни
418. «ТУРКСОЙ тузилмаси ва фаолият кўрсатиш принциплари тўғрисидаги Шартномани (Олма-ота, 1993 йил 12 июль) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 10 ноябрдаги ЎРҚ–802-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

419. «Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 ноябрдаги ПФ–244-сон Фармони
420. «Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомил-

лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги ПҚ-415-сон қарори

421. «Архитектура-қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги ПҚ-416-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

422. «Маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 ноябрдаги 650-сон қарори
423. «Чет давлат фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетишда аввал харид қилинган товарлар учун қўшилган қиймат солигини қайтариш тизимини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 ноябрдаги 653-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

424. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 4 ноябрдаги 59-сон ва Давлат солиқ қўмитасининг 27 октябрдаги 2022-34-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1749-4*)
425. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 4 ноябрдаги 60-сон ва Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 31 октябрдаги 2022-35-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1750-5*)
426. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 20 октябрдаги 31-2022/ҚҚ-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 20 октябрдаги 57-сон «Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар типидagi Зафаробод посёлкасининг бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимларига муайян давр ишлаганлик учун ойлик тўловлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги*

*томонидан 2022 йил 10 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1026-2)*

427. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 1 ноябрдаги 33-ҚҚ-сон, Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 22 октябрдаги 31-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 20 октябрдаги 53ққ-сон, Давлат хавфсизлик хизматининг 2022 йил 21 октябрдаги 15-сон, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизматининг 2022 йил 19 октябрдаги 5-сон ва Миллий гвардиясининг 2022 йил 24 октябрдаги 5145-сон «Реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкий зиённи қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 10 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2569-1*)
428. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 24 октябрдаги 450-сон «Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3352-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****417 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил  
2 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 7 октябрда  
маъқулланган

Ҳозирги вақтда қонунчиликда мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш борасида барча чора-тадбирлар назарда тутилган. Хусусий мулкнинг бут сақланишини таъминлаш учун давлат томонидан шарт-шароитлар яратилган.

Мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, «Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги, «Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда мулқидан маҳрум этилиши мумкин. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида мулк ҳуқуқи бекор қилинишига, шу жумладан мулкдорнинг мол-мулкини қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш чоғида унинг мулк ҳуқуқи бекор қилинишига йўл қўйилиши белгиланган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мулкдорнинг ҳуқуқини фақат қонунга асосан бекор қилишни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Бундан ташқари «Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан «Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳам гаровга қўювчининг мол-мулки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган (ҳақини тўлаб олинган) тақдирда, унинг мулк ҳуқуқи ҳимоя қилинишини таъминлайдиган ўзгартиш киритилмоқда.

Ушбу Қонун мулкдорларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини ва хусусий мулкнинг бут сақланишини таъминлаш учун қўшимча ҳуқуқий шарт-шароитлар яратади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қи-

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 8 ноябрда эълон қилинган.

линган «**Гаров тўғрисида**»ги 736—XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 614—I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 96-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 156-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 10, 671-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **47-моддасининг биринчи қисмидаги** «давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши (сотиб олиниши)» деган сўзлар «жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши (қайта сотиб олиниши)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163—I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256—I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар; № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **83-модданинг тўртинчи қисмидаги** «қонун ҳужжатлари» деган сўзлар «қонун» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **166-модданинг учинчи қисмидаги** «қонун ҳужжатларида» деган сўзлар «қонунда» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **197-модданинг матнидаги** «шунингдек мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонунчиликка асосан бекор бўлади» деган сўзлар «шунингдек мулк ҳуқуқини қонун асосида бекор қилувчи қонунчилик ҳужжатига асосан бекор бўлади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **198-модданинг биринчи қисмидаги** «қонун ҳужжатларига» деган сўзлар «қонунларга» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) **199-модданинг биринчи қисмидаги** «қонун ҳужжатларида» деган сўзлар «қонунда» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) **206-модданинг биринчи қисмидаги** «қонун ҳужжатларида» деган сўзлар «қонунда» деган сўз билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 7 ноябрь,  
ЎРҚ–801-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**418** ТУРКСОЙ тузилмаси ва фаолият кўрсатиш принциплари тўғрисидаги Шартномани (Олма-ота, 1993 йил 12 июль) ратификация қилиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил  
8 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 9 ноябрда  
маъқулланган

ТУРКСОЙ тузилмаси ва фаолият кўрсатиш принциплари тўғрисидаги Шартнома (Олма-ота, 1993 йил 12 июль) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 10 ноябрь,  
ЎРҚ-802-сон

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 11 ноябрда эълон қилинган.

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **419** Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг аниқ мақсад ва чегараларини белгилаш, тадбиркорлик субъектлари томонидан янги маҳсулот ва хизмат турларини жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали улар учун тартибга солиш юқини камайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Савдо-саноат палатасининг давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини фақатгина қўйидаги воситалар орқали тартибга солиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг айрим турлари бўйича лицензиялаш, рухсат бериш ҳамда хабардор қилиш тартиб-таомилларини жорий этиш;

техник жиҳатдан тартибга солиш;

тариф ва нотариф тартибга солиш;

қонунда белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш;

давлат назорати;

рақобатни ҳимоя қилиш;

қонун билан тадбиркорлик субъектлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини ўрнатиш;

ҳисоботларни жорий этиш;

ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотга аъзолик (иштирок этиш) асосида ўзини ўзи бошқаришни жорий этиш.

Қонунлар билан тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг бошқа воситалари ҳам белгиланиши мумкин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш воситалари тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган ва реализация қилинадиган товарлар, бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар-

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 10 ноябрда эълон қилинган.



нинг инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизлигини, унинг қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, давлат хавфсизлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида фақат норматив-ҳуқуқий ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар асосида жорий этилади;

норматив-ҳуқуқий ёки техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат ҳисобланмаган ҳужжатларда белгиланган тартибга солиш воситалари ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди.

3. Қўйидаги талаблар 2023 йил 1 январдан бекор қилинсин:

тадбиркорлик субъектининг устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганда кредиторларни ёзма равишда хабардор қилиш ва оммавий ахборот воситаларида бу ҳақида эълон бериш;

янги импорт автомобилларини сотиш фақат юридик шахслар — ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг расмий дилерлари томонидан амалга оширилиши;

электр энергиясини электр таъминоти шартномасида белгиланган ҳажмлардан (ойлик шартномавий миқдордан) ортиқча истеъмол қилган юридик шахсларга электр энергияси етказиб беришни тўхтатиб қўйиш;

якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ходимларни Ягона миллий меҳнат тизимида ҳисобга олиш орқали давлат солиқ хизмати органларида алоҳида ҳисобга қўйиш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 мартдан:

солиқ тўловчиларга солиқ органларининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилган қарорлари устидан тўғридан-тўғри судга шикоят қилиш ҳуқуқи берилади;

ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча юридик шахсларга Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тижорат хизматларини кўрсатишга рухсат берилади. Бунда, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали нодавлат хизматлар кўрсатиш тартиби Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда хизмат кўрсатувчи юридик шахс томонидан белгиланади;

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан амалга ошириладиган бир шартнома суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 500 баравари ва ундан юқори бўлган давлат харидлари бўйича буюртмалар тўғридан-тўғри шартномалар асосида бажарилишига йўл қўйилмайди;

вазирлик (идора, муассаса) ва унинг таркибидаги ташкилот (муассаса) ўртасида қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 500 баравари ва ундан юқори бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилиниши тақиқланади.

5. Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2023 йил 1 январдан бошлаб 1-иловага\* мувофиқ соҳа-

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар бўйича юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларининг замонавий технологияларга асосланган янги маҳсулот ва хизматларни ёки бошқа интеллектуал фаолият натижаларини назорат қилинадиган чекланган муҳитда синовдан ўтказиш бўйича фаолиятини махсус тартибга солишни назарда тутувчи «Тартибга солиш қумдони» махсус ҳуқуқий режимини (кейинги ўринларда — Махсус ҳуқуқий режим) жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 январдан:

а) Махсус ҳуқуқий режим доирасида тадбиркорлик субъектларига қўйидагиларга рухсат этилади:

янги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш, апробация қилиш ва жорий қилиш йўналишларидаги фаолиятини чекланган вақт, ҳудуд ва шахслар доирасида махсус тартибга солиш орқали айрим қонунчилик ҳужжатлари нормаларига амал қилмаслик;

лицензиясиз ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтмасдан фаолиятни амалга ошириш, бундан давлат сири ва қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш чекланган маълумотларни ўз ичига олган лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар мустасно;

б) Махсус ҳуқуқий режим тегишли ваколатли орган ва ташаббускор ўртасида ҳар бир лойиҳа бўйича алоҳида тузиладиган келишувга асосан жорий этилади. Бунда:

келишувда лойиҳани амалга оширишнинг талаб ва шартлари, шу жумладан муддати, ҳудуди ва шахслар доираси, ташаббускорга татбиқ этилмайдиган қонунчилик нормалари рўйхати ҳамда лойиҳа натижаларини баҳолаш мезонлари (индикаторлари) белгиланади;

ҳар бир лойиҳа бўйича Махсус ҳуқуқий режимнинг амал қилиш муддати кўпи билан уч йилни ташкил этади;

в) Махсус ҳуқуқий режим якунлари бўйича тегишли ваколатли орган томонидан бир ой муддатда:

синовдан ўтказилган маҳсулот ва хизматларни жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказилади;

маҳсулот ва хизматларни жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилганда, қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Вазирлар Маҳкамаси 2023 йил 1 январга қадар «Тартибга солиш қумдони» махсус ҳуқуқий режимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни, шу жумладан уни аниқ йўналишлар кесимида амалиётга татбиқ этиш бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқласин.

Адлия вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда тегишли ваколатли органлар билан биргаликда 2025 йил 1 январга қадар Махсус ҳуқуқий режим жорий этилган лойиҳалар таҳлили натижалари бўйича «Махсус ҳуқуқий режим тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тадбиркорликка оид барча мажбурий талабларни Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар ягона электрон реестрига (кейинги ўринларда — Ягона реестр) киритиш, такрорланувчи ва ўз аҳамиятини йўқотган мажбурий талабларни қайта кўриб чиқиш тартиби жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. Белгилансинки:

а) Ягона реестр тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш воситалари бўйича ўрнатилган барча талаблар, уларнинг муддатлари, улар билан боғлиқ молиявий харажатлар, талабларга мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатлар, назорат қилувчи органлар, текширув шакллари ҳамда жавобгарлик чораларини ўз ичига олади;

б) Ягона реестрга маълумотлар тегишли соҳани тартибга солувчи ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан киритилади;

в) Адлия вазирлиги Ягона реестрнинг оператори ҳисобланади, Ягона реестр юритилишини услубий таъминлайди, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

г) Ягона реестр куйидаги босқичларда шакллантирилади:

биринчи босқичда (2023 йил) — қурилиш, савдо, умумий овқатланиш, таълим ва транспорт соҳаларидаги мажбурий талаблар рўйхати шакллантирилади;

иккинчи босқичда (2024-2025 йиллар) — барча соҳалардаги мажбурий талаблар рўйхати шакллантирилади;

д) Ягона реестрни шакллантириш жараёнида мажбурий талабларнинг долзарблиги танқидий таҳлил қилинади, тартибга солиш таъсири баҳоланади ва уларнинг сони қисқартирилади;

е) Ягона реестр 2025 йил 1 июлдан бошлаб тўлиқ ишга туширилади. Бунда, Ягона реестрга киритилмаган мажбурий талабларни бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланмайди, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Ягона реестрга киритилмаган мажбурий талабларнинг бажарилишини текшириш тақиқланади.

Ягона реестрни шакллантириш схемаси 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Адлия вазирлиги икки ой муддатда Ягона реестрни шакллантириш, юриш ва маълумотларни янгилаб бориш тартибини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

9. Тадбиркорлик субъектлари учун тартибга солиш юкини камайтириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) 3-иловага\* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳ (Ж. Ходжаев) тегишли ташкилотлар мутахассисларидан иборат кичик ишчи гуруҳларни тузган ҳолда мазкур Фармоннинг 8-бандига мувофиқ тартибда ва муддатларда мажбурий талабларни қисқартириш, уларнинг ягона реестрини шакллантириш ишларини ташкил этсин.

\* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10. Тадбиркорлик субъектларига қўшимча қулайлик яратиш ҳамда соҳадаги бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича чора-тадбирлар режаси 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

11. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

мазкур Фармон билан жорий этилган янги тартиб-таомилларни амалга ошириш механизмларининг Тадбиркорлик кодекси лойиҳасида назарда тутилишини таъминласин;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев, адлия вазири Р.Қ. Давлетов ҳамда Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д.С. Касимов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 9 ноябрь,  
ПФ–244-сон

---

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**420 Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Тижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг ўз аҳамиятини йўқотган айрим турларини тугатиш ҳамда замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш мақсадида:

1. 2022 йил 1 декабрдан бошлаб тижорат ташкилотлари фаолиятига оид қуйидаги талаблар бекор қилинсин:

а) қуйидаги ташкилотларга нисбатан ички аудит хизматларини ташкил этиш:

масъулияти чекланган жамиятлар, бундан активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган, давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган масъулияти чекланган жамият, шунингдек, кредит ташкилоти мустасно;

активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кам бўлган, давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари;

б) масъулияти чекланган жамиятнинг таъсис шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш;

в) масъулияти чекланган жамиятнинг юридик шахс ҳисобланган иштирокчилари вакилларига умумий йиғилишда иштирок этиш учун бериладиган ишончномани нотариал тартибда тасдиқлаш;

г) масъулияти чекланган жамиятда захира жамғармаси ташкил этилганда, унинг миқдорини устав фондининг (устав капиталининг) камида 15 фоизи этиб белгилаш.

2. Белгилансинки, 2023 йил 1 мартдан бошлаб унитар корхона ёки қўшимча масъулиятли жамият ташкилий-ҳуқуқий шаклида юридик шахс ташкил этишга йўл қўйилмайди.

Адлия вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2023 йил 1 мартга қадар амалда фаолият юритиб келаётган унитар корхона ёки қўшимча масъулиятли жамият ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш жараёнларини 2025 йил 1 январга қадар яқунлашни назарда тутувчи ташкилий чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

3. Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг қимматли қоғозлар эмитентлари томонидан ахборот ва ҳисоботларни ошкор этиш талабини такомиллаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, 2023 йил 1 октябрдан бошлаб:

қимматли қоғозлар фонд биржасининг листингига киритилган хўжалик

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 ноябрда эълон қилинган.

жамиятлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ошкор этиладиган ахборот ва ҳисоботлар билан бир қаторда пул маблағларининг ҳаракати ҳамда акциялар чиқаришнинг бир қисми бекор қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларни ошкор этади;

қимматли қоғозлар фонд биржасининг листингига киритилмаган хўжалик жамиятлари рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган муҳим фактларни мажбурий тартибда ошкор этмайди, бундан тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган акциядорлик жамиятлари, шунингдек, уларнинг таркибидаги акциядорлик жамиятлари мустасно.

4. Хўжалик жамиятларининг иштирокчиси (акциядори) ва кредиторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 апрелдан бошлаб:

масъулияти чекланган жамият устав фондига (устав капиталига) қўшиладиган, қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн минг бараваридан кўп бўлган пулсиз ҳиссалар баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланади ва баҳоланган қийматдан юқори бўлиши мумкин эмас;

юрidik шахслар қўшиб юбориш, қўшиб олиш ва ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш орқали қайта ташкил этилганда, корхоналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, топшириш ҳужжатида кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, қайта ташкил этилган юридик шахсга ўтган ҳисобланади;

хўжалик жамиятлари кузатув кенгашининг акция, корпоратив облигация ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш бўйича қарорлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ муҳим факт сифатида ошкор қилинади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 мартдан бошлаб қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи оммавий ахборот воситалари ва (ёки) ўзининг расмий веб-сайти орқали қуйидаги фактлар тўғрисидаги ахборотни улар юз берган санадан икки иш куни ичида эълон қилади:

қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш, уни тўхтатиб туриш, амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топиш;

қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш учун лицензия бериш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, лицензияни бекор қилиш;

қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш, хизматларни кўрсатиш ва (ёки) ишларни бажариш ҳуқуқини берувчи малака сертификатини бериш.

6. Белгилансинки:

а) 2023 йил 1 июлдан бошлаб хўжалик жамиятининг филиаллари, ваколатхоналари ташкил этилганлиги ва унинг устав фонди (устав капитали) шакллантирилганлиги ҳамда тўловга қобилиятсизлиги юзасидан иш қўзғатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Ягона интерактив давлат хизматлари порталида эълон қилинади.

Бунда, мазкур маълумотлар масъул вазирлик ва идоралар томонидан

«Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформа-сига киритиб борилади;

б) фонд биржасида қимматли қоғозлар билан савдоларни амалга ошириш қоидаларига киритиладиган биржа аъзоларига ва листинг компанияларига таъсир қилувчи муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар улар тасдиқланишидан камида ўн беш кун олдин фонд биржаси сайтида муҳокамага қўйилади;

в) 2023 йил 1 январдан бошлаб устав фондида (устав капиталда) давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган хўжалик жамиятларининг кузатув кенгаши мажлиси ва иштирокчилари (акциядорлари) умумий йиғилиши баёнлари улар расмийлаштирилгандан сўнг ўн кун муддатда Давлат активларини бошқариш агентлигининг «Давлат мулки» ахборот тизимида жойлаштирилади.

7. Олий суд Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда:

корпоратив низоларни кўриш натижалари бўйича суд қарорларини эгасизлантирган ҳолда Олий суднинг расмий веб-сайти, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси ва ижтимоий тармоқларда ҳар ойда жойлаштириб борсин;

корпоратив муносабатлардан келиб чиқадиган низолар ҳамда уларни ҳал этиш амалиёти бўйича судьялар ва хўжалик жамиятлари вакиллари иштирокида ҳар чоракда семинар ва давра суҳбатларини ташкил этсин.

8. Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда:

2023 йил 1 июлга қадар илғор хорижий тажриба асосида «Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

янгича корпоратив бошқарув механизмларини, шу жумладан корпоратив шартномалар ва консорциум шартномаларини амалиётга кенг жорий этиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириб борсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 8 ноябрь,  
ПҚ–415-сон

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**421** Архитектура-қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизими-  
ни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Архитектура-қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини илғор хорижий тажриба ҳамда халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш, таълим жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш, илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш ҳамда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

Тошкент архитектура-қурилиш институтини Тошкент архитектура-қурилиш университети этиб қайта ташкил этиш ва уни муҳандислик, архитектура, қурилиш ҳамда қурилиш материаллари технологиялари йўналишларига ихтисослаштириш;

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети этиб қайта ташкил этиш ҳамда уни маданий мерос объектларини тиклаш, дизайн, архитектура, қурилиш, урбанизация ва муҳандислик йўналишларига ихтисослаштириш;

Тошкент архитектура-қурилиш университети ва Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетини (кейинги ўринларда — Университетлар) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимига ўтказиш.

2. Қуйидагилар Университетларнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

архитектура-қурилиш ва муҳандислик соҳаларида халқаро касб стандартлари асосида олий маълумотли мутахассислар ҳамда илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича узлуксиз таълим тизимини яратиш;

ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларини жорий этиш, талабаларнинг касбий компетенцияларни чуқур эгаллашини таъминлаш;

профессор-ўқитувчилар, докторантлар ва магистрантларнинг хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида илмий стажировка ўташи ва малака ошириши, шунингдек, талабалар алмашинуви дастурлари асосида таҳсил олишини ташкил этиш;

таълим ва тадқиқотни уйғунлаштириш орқали иқтисодиёт тармоқлари учун илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг трансфери бўйича самарали тизимни шакллантириш;

қурилиш муҳандислиги, архитектура, дизайн ва шаҳарсозлик йўналишлари бўйича тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ишланмаларни тижоратлаштириш,

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 ноябрда эълон қилинган.



таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш;

таълим-тарбия жараёнларини миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида олиб бориш, талабаларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириш, Ватанга муҳаббат ва садоқат, халқ манфаатлари учун хизмат қилиш туйғуси билан яшайдиган кадрларни тарбиялаш.

3. Университетларда таълим жараёнларини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича Истанбул техника университети ва Йилдиз техника университети ҳамда бошқа нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан музокаралар олиб борилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Университетларда таълим тизимини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш ва таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини ривожлантириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилсин:

а) таълим тизимини такомиллаштириш йўналишида:

ўқув жараёнлари давлат, инглиз ва бошқа хорижий тилларда кредит-модуль тизими асосида олиб борилади;

талабаларнинг касбий ва шахсий компетенцияларини ривожлантириш мақсадида индивидуал таълим траекторияси ишлаб чиқилади;

халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг аккредитациясидан ўтган хорижий олий таълим муассасаларининг таълим дастурлари асосида ўқитиш йўлга қўйилади;

фанларни ўзлаштириш кўрсаткичлари юқори бўлган, бакалавриятнинг сўнгги икки босқичида таҳсил олаётган талабалар учун турдош таълим йўналишлари бўйича қўшимча таълим дастурларини ўзлаштириш имконияти яратилади;

талабаларнинг архитектура, қурилиш, муҳандислик, дизайн йўналишлари бўйича халқаро касбий сертификатларни олиши йўлга қўйилади;

б) илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш йўналишида:

илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни амалга оширишга йўналтирилган Олий илм-фан мактаби ташкил этилади;

менторлик модели асосида кафедраларнинг нуфузли хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилади;

Университетларга илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар тузиш ва уларнинг таркибини тасдиқлаш ҳуқуқи берилади, ушбу кенгашлар томонидан илмий даража ва илмий унвонларни мустақил бериш йўлга қўйилади;

мутахассислик кафедралари ҳузурида масъулияти чекланган жамият шаклида тармоқ корхоналари буюртмалари асосида хизмат кўрсатиш ҳамда илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришга хизмат қилувчи тадқиқот ва ривожланиш марказлари ташкил этилади. Бунда, тадқиқот ва ривожланиш марказларининг илмий маҳсулотларни тижоратлаштиришдан ишлаб топган маблағлари тўлиғича уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, лабораторияларни ташкил этиш ҳамда профессор-ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш учун сарфланади;

в) таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини ривожлантириш йўналишида:

мутахассислик кафедралари тармоқ корхоналари, ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасаларига бириктирилади ҳамда ҳамкорликда профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли юқори курс талабаларининг амалий кўникмаларини ошириш, тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш ва илмий лойиҳалардаги иштироки йўлга қўйилади;

иқтидорли битирувчи курс талабалари танлов асосида «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари ҳисобидан етакчи хорижий олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириши ҳамда ҳомийлик ва Университетларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан битирув олди амалиётини нуфузли хорижий компанияларда ўташи йўлга қўйилади;

юқори курс талабалари ва магистрантлар иш ҳақи тўланадиган тизим орқали банд қилинади ҳамда улар республика ҳудудларида амалга оширилаётган қурилиш лойиҳаларига жалб этилади;

талабалар томонидан стартап ва бизнес лойиҳаларни тайёрлаш, илмий лойиҳаларда иштирок этиш, тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш тармоқ ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилади.

4. 2023 йил 1 январдан бошлаб Университетларга академик, ташкилий ва молиявий мустақиллик берилсин.

Бунда, Университетларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги «Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–60-сон ва «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–61-сон қарорлари нормалари татбиқ этилади.

5. Қўйидагилар:

Университетларни трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш бўйича «йўл хариталари» 1 ва 2-иловаларга\* мувофиқ;

Университетларни 2025 йилга қадар ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 3 ва 4-иловаларга\* мувофиқ;

Университетларнинг мутахассислик кафедраларини ҳудуддаги тармоқ корхоналари, ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасаларига бириктириш жадвали 5 ва 6-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

Университетларда кузатув кенгашлари ташкил этилсин ва уларнинг таркиби 7 ва 8-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Университетлар тузилмасида Стратегик ривожлантириш бўйича биринчи проректор лавозими жорий этилсин ва қўйидагилар учун масъул этиб белгилансин:

университетни трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминлаш;

университетнинг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув дастурларини нуфузли халқаро ташкилотларнинг аккредитациясидан ўтказиш;

\* 1 — 8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

университетни халқаро тан олинган рейтинг ташкилотларининг рўйхати-га киритишга қаратилган зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

университетнинг ўқув, илмий, маъмурий ва молия-хўжалик жараёнларини тўлиқ рақамлаштиришни ташкил этиш;

университет брендини янада оммалаштириш, унда олиб борилаётган академик, илмий ва маърифий жараёнларни миллий ва халқаро майдонда кенг тарғиб этиш.

7. Университетларнинг кузатув кенгашлари (О. Абдурахманов):

а) бир ой муддатда Стратегик ривожлантириш бўйича биринчи проректор лавозимларига малакали мутахассисларни жалб этсин;

б) икки ой муддатда:

Университетлар профессор-ўқитувчиларини танлов асосида ишга қабул қилиш, улар билан муддатли шартнома тузиш тартиби ҳамда фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари (КРІ)ни тасдиқласин;

Университетларнинг қайта ташкил этилиши муносабати билан профессор-ўқитувчилар, маъмурий-бошқарув ва ўқув-ёрдамчи ходимлар таркибини танқидий қайта кўриб чиқсин ҳамда Университетларга юқори малакали, ҳалол ва ташаббускор кадрларни жалб этиш чораларини кўрсин;

Университетлар илмий кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тартибини ва Университетлар маблағларидан фойдаланиш тартибини тасдиқласин;

в) 2023 йил 1 мартга қадар бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини халқаро таълим ва касб классификаторларига мувофиқ мақбуллаштирсин;

г) Университетларни трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»да белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида сифатли таъминлаш, ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш ҳамда халқаро тан олинган рейтинг ташкилотларининг рўйхатига киритиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни мувофиқлаштирсин ва доимий назорат ўрнатсин.

8. Белгилансинки, Университетларнинг трансформация жараёнларини жадаллаштириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар 2023-2024 йиллар давомида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча равишда мақсадли молиялаштирилади:

етакчи хорижий олий таълим муассасаларининг таълим дастурларини жорий этиш;

ўқув дастурларини халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг аккредитациясидан ўтказиш;

салоҳиятли чет эллик ва (ёки) ватандош профессор-ўқитувчиларни шартнома асосида Университетларнинг бошқарув, таълим ва илмий-тадқиқот жараёнларига жалб этиш;

халқаро илмий-техник маълумотлар базаларига уланиш ва улардан фойдаланиш;

профессор-ўқитувчиларни етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига малака ошириш ва стажировкага юбориш.

Молия вазирлиги Университетлар кузатув кенгашларининг ҳисоб-китоб-

ларига асосан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан зарур маблағларнинг ажратилишини таъминласин.

9. Тошкент архитектура-қурилиш университети ҳузурида Технопарк ташкил этилсин ва унинг асосий фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

илғор хорижий тажрибага асосланган технологик ва инновацион ғояларга йўналтирилган стартап лойиҳаларни яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

архитектура ва қурилиш соҳасида рақобатбардош энергия тежамкор қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва дастурий хизматлар кўрсатишни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ички ва ташқи бозорларда илгари суриш, инновацион ишланмаларни рағбатлантириш;

ёш олимларнинг илмий изланишлари ва мақсадли лойиҳалар доирасида миллий ва хорижий ташкилотларнинг, шу жумладан илмий ва таълим муассасаларининг буюртманомалари асосида архитектура, қурилиш конструкциялари ва материаллари, муҳандислик коммуникациялари, қурилиш физикаси ва бошқа йўналишларда илмий тажриба ва тадқиқотлар олиб бориш;

иқтисодиёт тармоқларининг етакчи компаниялари мутахассислари иштирокида соҳанинг долзарб масалаларига бағишланган маҳорат дарслари, тренинглар ва малака ошириш курслари, шунингдек, илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ўтказиш.

10. Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети ҳузурида Инкубация маркази ташкил этилсин ва унинг асосий фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

ёш олимлар, иқтидорли талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг инновацион ва стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;

талабаларни инновацион фаолият билан шуғулланишга жалб этиш, уларда бошланғич тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш;

соҳага оид илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш, шартнома асосида консалтинг хизматларини кўрсатиш, халқаро грантлар лойиҳаларини жамоавий бажариш орқали миллий ва халқаро даражадаги муаммолар ечимида иштирок этиш;

илмий-тадқиқот лойиҳалари ва ғояларини ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш орқали университетни ривожлантиришга маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этиш ва улар билан ўзаро ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш.

11. Технопарк ва Инкубация маркази тегишли университет таъсисчилигида масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилади ва университетнинг таркибий тузилмаси ҳисобланади.

Бунда, Технопарк ва Инкубация маркази фаолияти уларнинг хўжалик фаолиятдан олинмаган даромадлари, маҳаллий ва хорижий грантлар, Университетларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

12. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги 2023 йил 1 майга қадар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тегишлилиги бўйи-

ча Технопарк ва Инкубация марказини Университетлар кузатув кенгашлари билан келишган ҳолда зарур воситалар билан жиҳозласин ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйсин.

13. Архитектура, қурилиш, муҳандислик соҳалари раҳбар кадрлари, мутахассислари ва ишчи касб эгаларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги Қурилиш соҳасидаги менежерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази негизида Тошкент архитектура-қурилиш университети ҳузурида Касбий фаолиятни ривожлантириш маркази;

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги Архитектура-қурилиш йўналишидаги мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази ҳамда Жиззах политехника институти қошидаги Архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий маркази негизида Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети ҳузурида Касбий фаолиятни ривожлантириш маркази ташкил этилсин.

Қурилиш вазирлиги архитектура ва қурилиш соҳасидаги ташкилотлар ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича буюртмаларни шакллантиришга ҳамда уларни Университетларга тақдим этишга масъул ҳисоблансин.

14. Белгилансинки:

а) Университетларга тегишли лицензия талаблари ва шартларини бажарган ҳолда, қўйидаги лицензияланадиган фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқи берилади:

уй-жой-хўжалик ҳамда саноат қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш;

архитектура ёдгорликларини таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир фаолият;

б) 2026 йил 1 январга қадар давлат буюртмачилари Университетлар томонидан амалга ошириладиган қўйидаги ишлар (хизматлар)ни тўғридан-тўғри шартномалар асосида харид қилиши мумкин:

қурилиш объектларини лойиҳалаш учун техник топшириқларни тайёрлаш;

қурилиш учун муҳандислик-қидирув ишларини (геодезия, геология, геотехника қидирувлари ва бошқалар) амалга ошириш;

қурилиш учун лойиҳаолди ишларни (тарихий, маданий, антропологик, социологик ва экологик тадқиқотлар) бажариш;

қурилиш объектларининг эскиз (концептуал) лойиҳасини тайёрлаш;

қурилиш объектларининг ишчи лойиҳа ҳужжатларини (фақат I — III хавф-хатарлар тоифаларига мансуб бўлган объектлар учун) ишлаб чиқиш;

моддий маданий мерос объектларини асрашга доир ишларни амалга ошириш ва уларни лойиҳалаш;

в) Университетлар:

ўзига тегишли бино ва иншоотларни қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларининг буюртмачиси ҳисобланади;

буюртмачи сифатида функцияларни бажариш доирасида мустақил инжиниринг компаниялари ва мутахассисларни, шу жумладан хорижий компанияларни жалб этиши мумкин.

15. Қурилиш вазирлиги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқиш, уларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш ва халқаро норматив-техник ҳужжатларга мувофиқлаштириш ишларига шартнома асосида Университетларни жалб қилиш чораларини кўрсин.

16. 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Олмалиқ архитектура-қурилиш техникуми Тошкент архитектура-қурилиш университети тасарруфига, Самарқанд архитектура-қурилиш техникуми Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети тасарруфига ўтказилсин.

17. Белгилансинки, техникумларда:

таълим дастурлари тегишлилиги бўйича Университетлар томонидан хорижий таълим дастурлари асосида мустақил равишда шакллантирилади;

давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари 50 фоизни ташкил этади;

тўлов-контракт миқдори, уни тўлаш муддатларини белгилаш ва кадр буюртмачилари эҳтиёжига мувофиқ тўлов-контракт асосида қўшимча қабул квотасини шакллантириш Университетлар кузатув кенгашлари томонидан амалга оширилади.

18. Инновацион ривожланиш вазирлиги 2023 — 2025 йилларда Университетлар профессор-ўқитувчилари, магистр ва докторантларининг белгиланган тартибда танлов натижаларига кўра хорижий нуфузли олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига илмий стажировкага юборилишини ташкил этсин.

19. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Университетларнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, зарур ҳолларда, янги ўқув бинолари ва талабалар турар жойларини қуриш ҳамда уларни жиҳозлаш лойиҳаларининг 2023 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

20. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Президент таълим муассасалари агентлиги билан биргаликда 2023 йил 1 январга қадар 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Университетлар ҳузуридаги академик лицейлар ўқув дастурларини «International Advanced Levels» халқаро дастури асосида ишлаб чиқиш бўйича асослантирилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда Университетларда ишти-

мойй-маънавий муҳитни соғломлаштириш, таълим-тарбия жараёнларини миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида олиб бориш, талабаларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни шакллантириш масалаларини назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини тасдиқласин ва амалга оширсин;

Қурилиш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов, Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артикходжаев ва Самарқанд вилояти ҳокими Э.О. Турдимов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 8 ноябрь,  
ПҚ-416-сон



## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

#### **422** Маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 7 мартдаги ПФ–87-сон Фармони ҳамда «Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 21 сентябрдаги ПҚ–376-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий ва иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни касбга ва тадбиркорлик кўникмаларига ўргатиш орқали бандлигини таъминлаш ҳамда саломатлигини мустаҳкамлаш ишларини маҳаллаларда ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 7 мартдаги ПФ–87-сон Фармонининг 15-бандига мувофиқ:

маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказларини (кейинги ўринларда — марказлар) ташкил қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан марказлар биноларини барпо этиш учун ҳар бир маҳалладан 300 квадрат метргача бўлган ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ёки бўш турган давлат мулки объектини оператив бошқарув ҳуқуқи асосида маҳаллаларга ажратиш;

марказлар биноларини маҳаллалар томонидан тикувчилик, қандолатчилик, фитнес, шейпинг, хотин-қизларни касбга ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш белгиланганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 21 сентябрдаги ПҚ–376-сон қарорининг 4-бандига мувофиқ:

марказлар туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджет-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 8 ноябрда эълон қилинган.



ларнинг қўшимча манбалари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан барпо этилиши;

марказлар бинолари маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг тавсиясига асосан давлат мулкани ижарага бериш тартибига мувофиқ тикувчилик, қандолатчилик, фитнес, шейпинг, хотин-қизларни касбга ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига 5 йил муддатга ижарага берилиши;

марказларда битта лойиҳа доирасида 20 нафаргача хотин-қизларнинг доимий бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир нафар бандлиги таъминланадиган ишсиз хотин-қиз учун Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда 3 миллион сўмдан ошмаган миқдорда давлат гранти ажратилиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ишсиз, айниқса, қишлоқ жойларда бола тарбияси билан уйда ўтириб қолган эҳтиёжманд аёллар, шунингдек, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда тикувчилик, қандолатчилик, пазандачилик каби йўналишларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш;

маҳаллаларнинг географик жойлашуви, аҳоли сони ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ўсиш нуқталарини инobatга олган ҳолда, ишсиз, лекин ишлаш истагида бўлган касб-ҳунарга эга бўлмаган, шунингдек, ўз билимларини янада мустаҳкамлаш ва малакасини ошириш, тадбиркорлигини кенгайтириш мақсадида қўшимча касблар ва ҳунарларга ўқиш истагида бўлган хотин-қизларни тегишли касбларга ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни ташкил этиш. Уларнинг келгусида ўзлаштирган касблари бўйича тадбиркорлик фаолиятини бошлашига ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар эгаллашлари учун яратилаётган кенг имкониятлар ва имтиёзлар ҳақида аҳолини хабардор қилиш мақсадида зарур маълумот ва тавсияларни бериб бориш;

хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида фитнес, шейпинг каби соғломлаштиришга мўлжалланган хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш;

соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ривожлантириш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий спорт ҳаракатларини тиббиёт профилактикаси билан биргаликда йўлга қўйиш;

муқаддам жиноий жавобгарликка тортилган, профилактик рўйхатга олинган, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган хотин-қизларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва ўз фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда ривожлантиришда, бандлигини таъминлашда, касб-ҳунар эгаллашида кўмаклашиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда марказлар биноларини барпо этиш учун ҳар бир маҳалладан 300 квадрат метргача бўлган ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ёки бўш турган давлат мулки объектларини оператив бошқарув ҳуқуқи асосида маҳалла фуқаролар йиғинларига ажратсин ҳамда кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришни ташкил этсин;

белгиланган муддатларда ажратилган ер майдонларида ёки бўш турган давлат мулки объектларида марказларни қуриш ҳамда тўлиқ жиҳозлаш чораларини кўрсин.

4. Қўйидагиларни назарда тутувчи Маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ҳар бир маҳаллада юридик шахс бўлмаган марказларни ташкил этиш;

марказлар биноларини маҳаллалар томонидан тикувчилик, қандолатчилик, фитнес, шейпинг, хотин-қизларни касбга ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига 5 йил муддатга ижарага бериш тартиби;

марказлар фаолияти учун Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасига Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағлар, халқаро молия институтларининг грантлари ҳисобидан давлат гранти ажратиш ва ундан фойдаланиш тартиби;

марказларда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни касбга ўргатиш фаолиятини бошлаган тадбиркорлик субъектларига давлат гранти бериш тартиби.

5. Қўйидагилар марказлар фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Давлат бюджетидан Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси орқали ажратиладиган грантлар;

тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари томонидан ажратиладиган грантлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда марказлар биноларини тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда ижарага бериш ҳамда марказлар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда маҳаллаларга кўмаклашсин.

7. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги марказларда муайян касбни ўрганиш истагида бўлган, айниқса, «Аёллар дафтари»га киритилган ишсиз,

эҳтиёжманд хотин-қизлар рўйхатини шакллантириб, уларни марказларда банд қилиш ва касб-хунар ўргатиш учун жалб қилиш чораларини кўрсин.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида марказларда ташкил этиладиган фитнес, шейпинг каби соғломлаштириш машғулотларини ташкил этишга кўмаклашсин ҳамда хотин-қизларни машғулотларга жалб этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

Бунда, мазкур чора-тадбирлар доирасида ҳар бир маҳаллада мунтазам равишда патронаж тиббиёт ходимлари ва туман (шаҳар) спортни ривожлантириш бўлимларининг вакиллари маҳалла хотин-қизлар фаоллари билан ўзаро ҳамкорликда маҳаллада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича марказларда ташкил этилаётган жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотларидан фойдаланиш юзасидан тавсиялар бериб борилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси З.Б. Маҳкамова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 8 ноябрь,  
650-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 8 ноябрдаги 650-сон қарорига  
ИЛОВА

**Маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва  
саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари тўғрисида  
НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари (кейинги ўринларда — марказлар) мақоми, асосий вазифалари ва фаолиятини ташкил этиш, шунингдек уларнинг фаолиятини ташкил этиш учун давлат гранти ажратиш тартибини белгилайди.

2. Марказлар ҳар бир маҳаллада ташкил этилади ва юридик шахс ҳисобланмайди.

3. Марказлар туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан туман (шаҳар) ҳокимликлари маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан барпо этилади.

4. Марказлар бинолари маҳалла фуқаролари йиғини томонидан маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг тавсиясига асосан давлат мулкани ижарага бериш тартибига мувофиқ тикувчилик, қандолатчилик, фитнес, шейпинг, хотин-қизларни касбга ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига 5 йил муддатга ижарага берилади.

Марказлар биноларини ижарага бериш бўйича онлайн-аукцион савдолари фақат маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг тавсиясига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилади.

Ушбу тадбиркорлик субъектларининг рўйхати «Xotin-qizlar.uz» миллий портали орқали шакллантирилади ва «E-auction» электрон савдо платформасига интеграция қилиш орқали тақдим этилади.

5. Марказларда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда уларни касбга ўқитиш фаолияти билан боғлиқ ижтимоий лойиҳани амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларига ушбу Низомда белгиланган тартибда давлат гранти ажратилади.

## **2-боб. Марказларнинг асосий вазифалари**

6. Марказларнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

ишсиз, айниқса, қишлоқ жойларда бола тарбияси билан уйда ўтириб қолган эҳтиёжманд аёллар, шунингдек, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда тикувчилик, қандолатчилик, пазандачилик каби йўналишларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш;

маҳаллаларнинг географик жойлашуви, аҳоли сони ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ўсиш нуқталарини инobatга олган ҳолда, ишсиз, лекин ишлаш истагида бўлган касб-ҳунарга эга бўлмаган, шунингдек, ўз билимларини янада мустаҳкамлаш ва малакасини ошириш, тадбиркорлигини кенгайтириш мақсадида қўшимча касблар ва ҳунарларга ўқиш истагида бўлган хотин-қизларни тегишли касбларга ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни ташкил этиш. Уларнинг келгусида ўзлаштирган касблари бўйича тадбиркорлик фаолиятини бошлашига ва ривожлантиришига қўмаклашиш;

хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, бандлигини таъминлаш, уларнинг касб-ҳунар эгаллашлари учун яратилаётган кенг имкониятлар ва имтиёзлар ҳақида аҳолини хабардор қилиш мақсадида зарур маълумот ва тавсиялар бериб бориш;

хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида фитнес, шейпинг каби соғломлаштиришга мўлжалланган хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш;

соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ривожлантириш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий

спорт ҳаракатларини тиббиёт профилактикаси билан биргаликда йўлга қўйиш;

муқаддам жиноий жавобгарликка тортилган, профилактик рўйхатга олинган, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган хотин-қизларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, уларнинг ўз фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда ривожлантиришда, бандлигини таъминлашда, касб-ҳунар эгаллашида кўмаклашиш.

**3-боб. Марказларда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда уларни касбга ўқитиш фаолияти билан боғлиқ ижтимоий лойиҳани амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларига давлат гранти ажратиш ва ундан фойдаланиш тартиби**

7. Марказларда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда уларни касбга ўқитиш фаолияти билан боғлиқ битта ижтимоий лойиҳа (кейинги ўринларда — лойиҳа) доирасида 20 нафаргача хотин-қизларнинг доимий бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир нафар бандлиги таъминланадиган ишсиз хотин-қиз учун Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига 3 миллион сўмдан ошмаган миқдорда давлат гранти ажратилади.

8. Лойиҳаларни танлаб олишда қуйидаги мезонларга эътибор қаратилади:

лоийҳаларнинг марказлар вазифаларига мос келиши;

ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган хотин-қизларни доимий иш жойи билан таъминлашга қаратилганлиги;

лоийҳани амалга ошириш учун зарур молиявий ресурс, дастгоҳ, ускуна ва жиҳозларга эга бўлиш;

лоийҳанинг ҳудудни ривожлантириш драйверлари, ихтисослашувига мослиги, долзарблиги, бозорбоп ва даромадлиги, ижтимоий жозибadorлиги;

талабгорнинг ташкил қилинаётган лойиҳа бўйича тажрибага эгаллиги;

ходимлар учун зарур меҳнат шароитлари яратиш ва муносиб иш ҳақи тўлашга қобилиятлилиги;

иш билан таъминлаш билан бир қаторда малакаси етарли бўлмаган хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш ёки малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаш имконияти мавжудлиги.

9. Ажратилган давлат гранти ижтимоий лойиҳани амалга ошириш мақсадида марказларда ташкил этиладиган тикувчилик, қандолатчилик, пазандачилик ва турли ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш учун зарур бўладиган дастгоҳ, ускуна ва жиҳозлар харид қилишга йўналтирилади.

10. Марказлар фаолияти учун давлат гранти ажратиш ва ундан фойдаланиш ушбу Низомга 1-иловадаги\* схемага мувофиқ қуйидаги тартибда амалга оширилади:

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

1-босқичда тадбиркорлик субъектлари ўз хохишига кўра маҳаллаларда марказлар фаолияти учун давлат гранти олиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинларига лойиҳалар ва тегишли ҳужжатларни тақдим қилади;

2-босқичда марказлар биноларини ижарага берган маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари билан келишилган ҳолда, марказлар фаолиятини мазкур Низом асосида йўлга қўйиш ва давлат гранти олиш истагида бўлган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда уларнинг ижтимоий лойиҳалар бўйича таклифларини тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган кундан бошлаб уч кун ичида ушбу Низомга 3-илова билан тасдиқланган намунавий таркибдаги туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи раҳбарлигидаги ишчи гуруҳларга (кейинги ўринларда — туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари) тақдим этади.

Туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари аъзолари жамоатчилик асосида ишлайди.

Туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари ишининг ташкилий шакли йиғилиш ҳисобланади. Ишчи гуруҳлар йиғилишлари баённома билан расмийлаштирилади. Ишчи гуруҳлар йиғилишлари уларнинг аъзолари рўйхатдаги таркибининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади;

3-босқичда ишчи гуруҳлар томонидан беш кун ичида лойиҳалар бўйича таклифлар ўрганиб чиқилиб, ушбу Низомнинг 8-бандидаги мезонлар асосида энг яхши ва асосли деб топилган таклифлар танлаб олинади ҳамда баённома расмийлаштирилади. Ушбу таклифлар туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари — оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқларига тақдим этилади;

4-босқичда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари — оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқлари киритилган таклифларни умумлаштириб, икки кун ичида давлат гранти ажратиш масаласини кўриб чиқиш учун Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасига буюртманомга юборади.

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасига юбориладиган буюртманомга амалга ошириладиган лойиҳанинг мақсади, йўналишлари, яратиладиган иш ўринлари сони ва харид қилинадиган асбоб-ускуна ҳамда жиҳозлар тўғрисида аниқ маълумотлар ва бошқа тегишли ҳужжатлар илова қилинади;

5-босқичда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳар чоракда келиб тушган лойиҳалар бўйича барча буюртманомаларни ушбу Низомга 2-иловага\* мувофиқ таркибдаги Маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари фаолияти учун давлат гранти ажратиш бўйича республика комиссиясига (кейинги ўринларда — Комиссия) тақдим қилади.

Комиссия томонидан лойиҳалар мазкур Низом талаблари асосида ҳар

\* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

томонлама кўриб чиқилишини таъминлайди, зарур ҳолларда лойиҳаларни жойига чиқиб ўрғанади.

Энг яхши ва асосли деб топилган лойиҳаларга белгиланган тартибда Комиссиянинг қарори қабул қилинади.

Давлат гранти ажратилган тадбиркорлар рўйхати Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

6-босқичда давлат гранти ажратиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг ўн беш иш куни ичида грант лойиҳаларида кўрсатилган товарларни харид қилиш учун тадбиркорлик субъектларининг банкдаги ҳисобварақларига маблағлар ўтказиб берилади.

Давлат грантининг йил охиридаги фойдаланилмай қолган қолдиқлари Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига қайтарилади;

7-босқичда давлат гранти оладиган тадбиркорлик субъектлари ҳар чоракда молия органларига бюджет ташкилотлари учун белгиланган муддатларда ва тартибда давлат грантидан фойдаланилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этиб боради.

Ажратилган давлат грантининг мақсадли сарфланиши белгиланган тартибда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги томонидан назорат қилинади.

#### **4-боб. Марказларда лойиҳани амалга ошириш учун давлат гранти олишга қўйиладиган талаблар**

11. Марказларда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда уларни касбга ўқитиш фаолиятини бошлаган тадбиркорлик субъектлари давлат грантини олишга талабгор бўла олади.

12. Давлат гранти қўйидаги тоифадаги хотин-қизларни касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлашига кўмаклашишга қаратилган лойиҳалар учун ажратилади:

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га, шунингдек «Аёллар дафтари»га кiritилган хотин-қизлар;

ишсиз, айниқса, қишлоқ жойларда бола тарбияси билан шуғулланаётган хотин-қизлар;

хорижий меҳнат миграциясидан қайтиб келган хотин-қизлар;

ногиронлиги бўлган меҳнатга лаёқатли ишсиз хотин-қизлар (уларнинг меҳнат муҳофазаси талабларига мос равишда бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш);

норасмий бандликни қисқартириш мақсадида кундалик меҳнат фаолияти билан шуғулланиб, даромад топаётган хотин-қизлар (уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича ушбу хотин-қизларни шуғулланиб келаётган фаолият турларини ҳамда эҳтиёж ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда, ўқитиш ва бандлигини таъминлаш);

одам савдосидан ҳамда тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, мушкул иқтисодий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар;



умумий ўрта ва профессионал таълим муассасаларини тугатган, олий таълим муассасаларига ўқишга кира олмаган ёки олий таълимда ўқиш учун имконияти бўлмаган ишсиз хотин-қизлар (меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касбларга ва IT технологияларига ўқитиб, уларнинг бандлигини таъминлаш);

муқаддам жинойий жавобгарликка тортилган, профилактик рўйхатга олинган, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган хотин-қизлар.

13. Давлат грантини олиш учун тадбиркорлик субъектлари маҳалла фуқаролар йиғини орқали қўйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни туман (шаҳар) ишчи гуруҳларига тақдим этади:

марказларда амалга ошириладиган ижтимоий лойиҳа, унинг бизнес режаси, фаолият йўналиши ва яратиладиган янги иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар;

лоийҳага талаб этиладиган давлат гранти миқдори ва харид қилинадиган асбоб-ускуна, дастгоҳ ва жиҳозлар, жисмоний тарбия-соғломлаштириш анжомлари тўғрисидаги маълумотлар;

тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида марказлар биноларини ижарага бериш ҳақидаги шартнома нусхалари.

### 5-боб. Яқунловчи қондалар

14. Марказларда лойиҳани амалга ошириш учун давлат грантининг жалб этилиши, ундан ўз вақтида мақсадли ва самарали фойдаланилиши учун туман (шаҳар) даражасида туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари, вилоят даражасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари — оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқлари масъул ҳисобланади.

15. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси:

Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасидан давлат гранти ажратилиши, маблағлардан ўз вақтида мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан доимий равишда назорат ва мониторинг олиб боради;

ҳар олти ойда мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар бўйича муҳокамаларни ўтказиб боради.

16. Ушбу Низомни қўллаш жараёнида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

17. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**423** Чет давлат фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетишда аввал харид қилинган товарлар учун қўшилган қиймат солиғини қайтариш тизимини жорий этиш тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 27 январдаги ПҚ–104-сон ҳамда «Аҳолини халқаро брендларнинг сифатли маҳсулотлари билан таъминлаш ва маҳаллий корхоналарнинг глобал қўшилган қиймат занжирларига кириши учун қўшимча шароит яратишга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 12 октябрдаги ПҚ–393-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2023 йил 1 январдан бошлаб чет давлат фуқароларига улар томонидан Ўзбекистон ҳудудидаги чакана савдо билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларидан айрим турдаги товарларни сотиб олишда тўланган қўшилган қиймат солиғи (кейинги ўринларда — ҚҚС) суммасини қисман қайтариш (кейинги ўринларда — «tax free») тизими тажриба тариқасида жорий этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг:

«tax free» тизими оператори сифатида Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги «Soliq Servis» давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда — Оператор) белгилаш;

чет давлат фуқароларига қайтариладиган ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ва уни қайтариш солиқ органларининг махсус мобил иловаси (кейинги ўринларда — мобил илова) орқали амалга оширилиши тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Белгилансинки, тажриба давомида:

республиканинг барча ҳудудларидаги чакана савдо объектлари орқали чет давлат фуқароларига ҚҚС билан сотилган айрим турдаги товарларга «tax free» тизими қўлланилади;

чет давлат фуқароларига ҚҚС суммасини қайтариш минимал харид қиймати ҚҚС суммасини ҳисобга олган ҳолда камида бир миллион сўмни ташкил этганда ҳамда товарлар харид қилинган кундан эътиборан уч ой мобайнида Операторга мурожаат қилинганда амалга оширилади;

чет давлат фуқаролари томонидан ҳақиқатда амалга оширилган харидларни текшириш ва ҚҚСни қайтариш учун ҳужжатларни расмийлаштириш мақсадида Операторнинг сервис шохобчалари ташкил этилади ва улар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Урганч халқаро аэропортлари ҳудудларида жойлаштирилади;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 ноябрда эълон қилинган.

ҚҚСнинг белгиланган ставкаси миқдорининг 90 фоизи чет давлат фуқаросига ҚҚС суммасини қайтаришга, 10 фоизи Операторнинг хизматларига йўналтирилади;

Оператор чакана савдо билан шуғулланувчи субъектлар «tax free» тизими иштирокчилари эканлигини билдирувчи махсус белгининг (флаер) намунавий шаклини ишлаб чиқади ва уларни чакана савдо билан шуғулланувчи субъектларига бепул тарқатади, бунда махсус белгида кўрсатилган маълумотлар давлат тилида ва инглиз тилида ёзилган бўлиши шарт;

Оператор «tax free» тизимини жорий этиш мақсадида қўшимча штат бирликларини шакллантириш, халқаро аэропортларда сервис нуқталарини жойлаштириш ва уларни моддий-техника база билан таъминлаш билан боғлиқ харажатларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

4. Қуйидагиларни назарда тутувчи Чет давлат фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетишда аввал харид қилинган товарлар учун қўшилган қиймат солиғини қайтариш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

чет давлат фуқароларига Ўзбекистон ҳудудида айрим товарлар харид қилинганда тўланган ҚҚС суммасини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетишда қайтариш улар томонидан мобил иловада рўйхатдан ўтказилган фискал белгили чеклар маълумотлари асосида амалга оширилиши;

харид қилинган товарларнинг Ўзбекистон ҳудудида истеъмол қилинмаганлиги ҳамда улар чет давлат фуқароларининг кузатув багажи ва/ёки қўл юкида ўзи билан Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши лозимлиги;

Молия вазирлиги томонидан республика бюджетидан ҚҚСни чет эл фуқароларига тўлаб бериш учун маблағларни ажратиш ва Операторга йўналтириш тартиби.

5. Чет давлат фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетишда қўшилган қиймат солиғини қайтариш тизими татбиқ этиладиган товарлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига Молия вазирлиги билан келишган ҳолда асосланган таклифлардан келиб чиқиб рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 10 декабрга қадар:

а) мобил иловага чет давлат фуқаролари томонидан харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих-код (QR-код) ёрдамида сканерлаш ёки фискал белгисини киритиш орқали рўйхатга олиш ҳамда улар томонидан тўланган ҚҚС суммасини қайтариш имконини берадиган қўшимчалар киритсин;

б) «tax free» тизими иштирокчилари ўртасида ахборот алмашиш имконини берувчи «Tax free» автоматлаштирилган ахборот тизимини (кейинги ўринларда — «Tax free» ААТ) ишлаб чиқсин.

Белгилансинки, мобил иловага қўшимчалар киритиш, шунингдек, «Tax free» ААТни ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республи-

каси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Давлат персоналлаштириш маркази билан биргаликда 2022 йил 15 декабрга қадар чет давлат фуқароларини «tax free» тизимидан фойдаланиш учун солиқ органларининг махсус мобил иловасида рўйхатдан ўтишларида Ўзбекистон Республикасига кириб келганлигини қайд этиш маълумотлари орқали идентификация қилишнинг автоматлаштирилган имкониятини яратсин.

Бунда «Tax free» ААТ орқали маълумотлар алмашинуви реал вақт режимида амалга оширилиши назарда тутилсин.

8. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига чакана савдо билан шуғулланувчи субъектларни уларнинг муружаатлари асосида халқаро банк карталари орқали тўловларни қабул қилиш бўйича махсус ҳисоб-китоб терминаллари билан таъминлаш;

«Uzbekistan Airports» АЖга 2022 йил 20 декабрга қадар «tax free» тизими операторининг ҚҚС суммасини қайтариш сервис шохобчаларини Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Урганч халқаро аэропортлари ҳудудида жойлаштириш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2023 йил 1 октябрга қадар «tax free» тизимини жорий этиш самарадорлиги натижаларига кўра мазкур тизимни 2024 йилдан бошлаб республиканинг барча халқаро аэропортлари, вокзаллари ҳамда божхона ҳудудидан ўтказиш пунктларида босқичма-босқич жорий этиш, шунингдек, «tax free» тизими операторини давлат-хусусий шериклик асосида танлаш ёки халқаро операторларни жалб этиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг давлат солиқ хизмати органлари бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида Давлат солиқ қўмитасининг марказий аппаратида «tax free» тизимини жорий этишга ва доимий мониторинг қилиб боришга масъул қўшимча алоҳида тузилма ташкил этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда халқаро аэропортларда, вокзалларда ҳамда божхона ҳудудидан ўтказиш пунктларида, шунингдек, расмий веб-сайтларда Ўзбекистон Республикасида «tax free» тизими жорий этилганлигини билдирувчи ҳамда мобил иловадан фойдаланишнинг босқичлари ҳақида маълумот берувчи флаер, буклетлар, тарқатма материаллар ва бошқа қўлланмалар бўлишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ва кенг ёритиб борсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров, Молия вазири Т.А. Ишметов, Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев ҳамда Давлат божхона қўмитаси раиси А.Ю. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 8 ноябрь,  
653-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 8 ноябрдаги 653-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Чет давлат фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси  
худудидан чиқиб кетишда аввал харид қилинган товарлар учун  
қўшилган қиймат солиғини қайтариш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом чет давлат фуқаролари — Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари (кейинги ўринларда — чет давлат фуқаролари) томонидан Ўзбекистон худудида чакана савдо билан шуғулланувчи субъектлардан айрим товарларни харид қилишда тўланган қўшилган қиймат солиғи (кейинги ўринларда — ҚҚС) суммасини қайтариш («tax free» тизими) тартибини белгилайди.

2. Чет давлат фуқароларига ҚҚС билан харид қилинган айрим товарлар бўйича ҚҚС суммасининг ушбу Низомда белгиланган миқдори қайтарилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

бож олинмайдиган савдо дўконларидан («duty free») харид қилинган товарлар;

Ўзбекистон Республикаси худудини тарк этишда чет давлат фуқароси ёнида бўлмаган товарлар;

тўлиқ ёки қисман истеъмол қилинган товарлар;

Ўзбекистон Республикаси худудида тўлиқ ёки қисман ишлатилган ва асл ўрама билан бирга бўлмаган товарлар (ўрам бўлиши назарда тутилган бўлса).

3. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**«tax free» тизими** — чет давлат фуқароларига, улар томонидан Ўзбекистон худудида айрим товарлар харид қилинганда тўланган ҚҚС суммасини Ўзбекистон Республикаси худудидан чиқиб кетишда ушбу Низомда белгиланган миқдорда қайтариш тизими;

**«tax free» тизими оператори** (кейинги ўринларда — Оператор) —

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги «Soliq Servis» давлат унитар корхонаси.

**«Tax free» автоматлаштирилган ахборот тизими** («Tax free» ААТ) — «tax free» тизими иштирокчиларининг ўзаро маълумот алмашинувини таъминлайдиган ҳамда интеграция қилинган автоматлаштирилган ахборот тизими.

4. Чет давлат фуқароларига ҚҚС суммасини қайтариш улар томонидан харид қилинган товарлар фақат кузатув бағажи ва/ёки қўл юкида ўзи билан бирга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши тасдиқлангандан кейин амалга оширилиши мумкин.

ҚҚС суммаси ўн саккиз ёшга тўлган чет давлат фуқароларига қайтарилади.

Чет давлат фуқаролари ҚҚС суммасини қайтариш учун товарлар харид қилинган кундан эътиборан уч ой мобайнида Операторга ушбу Низомда белгиланган тартибда ва талабларни бажарган ҳолда мурожаат қилиши мумкин.

5. Чет давлат фуқароларига ҚҚС суммасини қайтариш харид амалга оширилганда фақат ҚҚС тўланган товарлар бўйича амалга оширилади.

Бунда ҚҚС суммасини қайтариш тизими татбиқ этиладиган харид қилинган товарларнинг умумий қиймати бир миллион сўмдан кам бўлмаслиги лозим.

### **2-боб. Чет давлат фуқароларини «tax free» тизимида рўйхатга олиш тартиби**

6. Чет давлат фуқаролари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида харид қилинган айрим турдаги товарлар бўйича ҚҚС суммасини қайтариш ҳуқуқидан фойдаланиш учун солиқ органларининг махсус мобил иловасида (кейинги ўринларда — мобил илова) рўйхатдан ўтади.

Бунда чет давлат фуқаролари мобил иловада исми, фамилияси ва паспорт маълумотларини, шунингдек, ўзининг номига расмийлаштирилган халқаро банк картаси ёки банк ҳисобварағини рўйхатдан ўтказди.

7. Чет давлат фуқаролари ҚҚС суммасини қайтариб олиш мақсадида мобил иловада идентификация ва рўйхатдан ўтиши уларнинг мобил телефон рақамига (электрон почтасига) келиб тушган ҳавола бўйича рўйхатга олиш коддини киритиш орқали амалга оширилади.

8. Мобил иловага киритилган маълумотларнинг тўғри ва ҳаққонийлиги бўйича жавобгарлик чет давлат фуқароларининг ўзига юклатилади. Бунда уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келиши ва ундан чиқиб кетиши ҳолатлари «Tax free» ААТ орқали текширилади ва тасдиқланади.

### **3-боб. Чет давлат фуқароларига ҚҚС суммасини қайтариш тартиби**

9. Чет давлат фуқароларига ҚҚС суммасини қайтариш чет давлат фуқаролари томонидан товарлар бўйича харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих-кодни (QR-код) мобил илова ёрдамида сканерлаш ёки фискал

белгисини мобил иловага киритиш орқали шаклланган маълумотлар асосида амалга оширилади.

10. Чет эл фуқаролари харид қилинган товарлар бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда уларнинг бир қисмини қайтариш тизимидан (кешбек) фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 майдаги 255-сон қарори билан тасдиқланган Сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини жисмоний шахсларга қайтариш тартиби тўғрисидаги низом билан фискал белгили чеклар мобил иловада рўйхатдан ўтказилмайдиган ҳамда товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариб бериш тўлиқ ёки қисман рад этилган ҳолатларда улар бўйича чет эл фуқароларига ҚҚС қайтарилмайди.

11. Мобил иловада рўйхатга олинган фискал белгили чек маълумотлари асосида «tax free» тизими татбиқ этиладиган товарлар рўйхати ва улар бўйича тўланган ҚҚС суммаси алоҳида ажратилган ҳолда акс эттирилади, шунингдек, ушбу маълумот «Tax free» ААТ да реал вақт режимида акс эттирилади.

12. Чет давлат фуқаролари «tax free» тизими доирасида харид қилинган товарлар бўйича ҚҚС суммасини қайтариш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этишда Операторнинг халқаро аэропортларда жойлашган сервис шохобчаларига мурожаат қилади.

Чет давлат фуқаролари мобил илова ёрдамида сервис шохобчасига мурожаат қилиши режалаштирилган сана ва вақт тўғрисида мурожаат юбориши мумкин.

13. Чет давлат фуқаролари ҚҚС суммасини қайтариб олиш учун Операторга бортга чиқиш талони ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади.

Оператор чет давлат фуқаролари Ўзбекистон Республикаси норезиденти эканлигини ҳамда чет давлат фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетаётганлиги ҳолатини тасдиқловчи белги (штамп) мавжудлигини текширади.

14. Оператор ходими чет давлат фуқароси томонидан харид чекларида кўрсатилган ҳамда чет эл фуқароси ёнида бўлган товарларни кўздан кечиради ва солиштиради, ушбу Низом билан белгиланган талабларга мослигини текширади ва Оператор томонидан тасдиқланадиган Регламент асосида чет эл фуқароси билан ушбу тўғрисида қайдномани мобил илова орқали электрон шаклда расмийлаштиради.

15. Чет давлат фуқароси Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб кетаётганда Оператор Ўзбекистон ҳудудида харид қилинган товарлар республика ҳудудидан олиб чиқиб кетилаётганлигини тасдиқлайди ҳамда бир вақтнинг ўзида ушбу тасдиқни «Tax free» ААТга киритади. Шунингдек, чет эл фуқароси ҳақиқатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетганлигини мутасадди ташкилот 3 кун мобайнида «Tax free» ААТ орқали чегарадан ўтиш қайдномаси асосида тасдиқлайди.

16. Оператор томонидан «tax free» тизими доирасида харид қилинган товарлар олиб чиқиб кетилаётганлиги тасдиқлангандан сўнг чет давлат фуқа-



росига қайтарилиши лозим бўлган ҚҚС суммаси тўғрисида маълумот мобил иловада акс эттирилади.

17. Қайтарилаётган ҚҚС суммаси Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида белгиланади ва чет давлат фуқаросига мобил иловада кўрсатилган халқаро банк картасига (тўлов тизими) ёки банк ҳисобварағига чет эл валютасида (АҚШ доллари) мазкур Низомда белгиланган муддатларда ўтказиб бериледи.

Қайтарилаётган ҚҚС суммасини чет эл валютасида (АҚШ доллари) ҳисоблаш чет давлат фуқароси томонидан харид амалга оширилган кундаги хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг валюта айирбошлаш кундаги айирбошлаш курслари асосида амалга оширилади.

ҚҚС суммаси чет давлат фуқаросининг халқаро банк картасига (тўлов тизими) ёки банк ҳисобварағига ўтказилиши хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг конверсия ва пул ўтказмалари бўйича хизмат ҳақлари асосида чет давлат фуқаросига қайтарилаётган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда чет давлат фуқароси ҚҚС суммаси Оператор томонидан қайтариб берилиши учун ўзининг халқаро банк картаси (тўлов тизими) ёки банк ҳисобварағи реквизитларини мобил иловада рўйхатдан ўтказган бўлиши лозим.

18. Чет давлат фуқароси томонидан ушбу Низом талабларига риоя қилинмаслиги ҳолатида, шунингдек, ушбу Низомда белгиланган ҳолатларда Оператор чет давлат фуқароларига харид қилинган товарлар бўйича ҚҚС суммасини қайтариб беришни тўлиқ ёки қисман рад этишга ҳақли.

#### **4-боб. Операторнинг хизмати учун ҳақ тўлаш ҳамда чет давлат фуқароларига ҚҚС суммасини тўлаб бериш тартиби**

19. Чет давлат фуқаросига ҚҚС суммаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (кейинги ўринларда — Молия вазирлиги) томонидан Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан қайтарилади.

Чет давлат фуқаросига харид қилинган товарлар бўйича ҚҚС суммасини қайтариш мазкур Низомга иловада\* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

20. Чет давлат фуқаросига харид қилинган товар бўйича ҚҚС суммаси чет давлат фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиш ҳолати тасдиқланган ойдан кейинги ойнинг йигирма бешинчи кунидан кейин қайтарилади.

21. Операторга Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан харид чекларидаги «tax free» тизими татбиқ этиладиган товарлар учун жами тўланган ҚҚС суммасининг 100 фоизига тенг бўлган маблағлар тўлаб бериледи.

Бунда чет давлат фуқароларига Оператор ўзининг хизмати учун тўловларни инобатга олиб, «tax free» тизими татбиқ этиладиган товарлар учун жами тўланган ҚҚС суммасининг 90 фоиз қисмини тўлаб беради.

Операторнинг хизмати учун тўловлар чет давлат фуқароси томонидан

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сотиб олинган товарлар учун тақдим этилган харид чекларида кўрсатилган ҚҚС суммасининг 10 фоизини ташкил этади.

22. Оператор ҳар ойнинг йигирма бешинчи кунидан кечиктирмай аввалги календарь ойда чет давлат фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келиш ва ҳудуддан чиқиб кетиш ҳолати тасдиқланганлиги ҳамда мобил иловада рўйхатдан ўтказилган фискал белгили чеклар тўғрисидаги ахборот бўйича чет давлат фуқароларига қайтариладиган ҚҚС суммалари бўйича буюртмани Давлат солиқ қўмитасининг хулосаси асосида Молия вазирлигига тақдим этади.

23. Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитасининг хулосасига асосан Операторнинг Молия вазирлиги Фазначилигидаги махсус ҳисобварағига хулоса олинган кундан сўнг бир иш кунидан кечиктирмай маблағларни ўтказди.

24. Оператор Молия вазирлиги томонидан пул маблағлари ўтказилгандан кейин бир иш кунидан кечиктирмай уларни Молия вазирлиги ҳузуридаги Фазначиликнинг махсус ҳисобварағидан ваколатли банкда очилган ҳисобварағига ўтказди.

25. Оператор ҚҚС суммасини қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлган чет давлат фуқароларининг реестрларини ваколатли банкка ҳар ойда, кейинги ойнинг йигирма бешинчи кунига қадар тақдим этади.

### **5-боб. Идоралараро ахборот алмашинуви**

26. Солиқ органлари ва Оператор чет давлат фуқаролари томонидан чакана савдо билан шуғулланувчи субъектлардан харид қилинган товарлар, уларнинг нархи ва миқдори, тўланган ва қайтарилиши лозим бўлган ҚҚС суммаси, чакана савдо билан шуғулланувчи субъектлар тўғрисидаги маълумотларни олишда «tax free» тизими иштирокчилари ўртасида ахборот алмашиш имконини берувчи «Tax free» ААТдан фойдаланади.

Шунингдек, «Tax free» ААТга ҚҚС суммасини қайтаришда иштирок этадиган божхона, молия ва бошқа мутасадди органлар ўз ахборот тизимларини «Tax free» ААТга интеграция қилади ва ундан фойдаланади.

### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

27. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

28. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 8 ноябрдаги 653-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Чет давлат фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси  
худудидан чиқиб кетишда қўшилган қиймат солиғини қайтариш  
тизими татбиқ этиладиган товарлар  
РЎЙХАТИ**

Гуруҳ	Гуруҳ тавсифи	Синф	Синф тавсифи
008	Мевалар ва ёнғоқлар	00801	Ёнғоқ
		00811	Қуритилган мевалар ва ёнғоқлар
033	Парфюмерия, косметика ёки гўзаллик маҳсулотлари	03303	Атир ёки парфюмерия суви
		03304	Косметика воситалари
		03305	Соч учун маҳсулотлар
		03307	Бошқа парфюмерия, косметика ёки ҳожатхона воситалари
042	Тери маҳсулотлари	04202	Сандиқлар ва бошқа сумкалар
		04203	Кийим учун тери аксессуарлар
		04205	Табий ёки композит теридан тайёрланган бошқа маҳсулотлар
043	Мўйна ва мўйнали маҳсулотлар	04303	Табий мўйнадан тайёрланган аксессуарлар
		04304	Сунъий мўйна ва ундан тайёрланган маҳсулотлар
044	Ёғоч ва унинг маҳсулотлари	04419	Ёғоч вилкалар ва пичоқлар
		04420	Ёғочдан кошинкор ва нақшин маҳсулотлар, ювелир ёки пичоқ ва бошқа шу каби буюмлар учун ёғоч кутича ва идишлар, ёғоч ҳайкалча ва бошқа декоратив буюмлар
046	Сават	04601	Тўқимачилик маҳсулотлари
050	Ипак	05007	Ипак матолар
057	Гидамлар	05701	Гидамлар
061	Кийим ва кийим аксессуарлари	06101 — 06117	Кийим ва кийим аксессуарлари
062		06201 — 06217	
064	Пойабзал	06401	Пойабзал
		06403	Болалар пойабзали
069	Керамик маҳсулотлар	06911	Фарфордан ясалган бошқа буюмлар
		06912	Дастурхон, ошхона идишлари ва бошқа керамикадан ясалган хўжалик ва ҳожатхона буюмлари, фарфордан ташқари
082	Қурилмалар ва мосламалар, уларнинг қисмлари	08211	Пичоқлар
		08213	Қайчи
		08214	Бошқа кесиш маҳсулотлари (масалан, соч кесиш учун машинкалар, қассоблар учун махсус пичоқлар ёки махсус ошхона пичоқлари ва кесимлар)
		08215	Ошхона анжомлари
085	Электр машиналар, аппарат, асбоб- ускуналар ва уларнинг қисмлари	08508	Чангютгичлар
		08509	Электр моторли маиший техника
		08510	Электр соч ва соқол олиш машиналари
		08517	Телефонлар
		08518	Микрофонлар, наушниклар ва бошқалар
		08519	Овоз ва видео ёзувлар учун ускуналар
		08523	Дисклар, ленталар ва бошқа сақлаш мосламалари

		08525	Теле-видео-рақамли камералар
		08527	Радио қолдиқлари
		08543	Шахсий функцияларга эга электр машиналари ва жихозлари
091	Соатлар	09101	Қўл соатлари
		09103	Қўл соати бўлмаган соатлар
095	Ўйинчоқлар ва спорт асбоб-ускуналари	09503	Велосипедлар, самокатлар, педалли машиналар, миллий ва бошқа ўйинчоқлар
		09504	Видео ўйинлар, стол ўйинлари, биллиард ва бошқа ўйинлар
		09505	Байрамлар учун махсулотлар

*Изоҳ. Кенгайтирилган рўйхат Давлат солиқ қўмитаси томонидан (позициялар, субпозициялар, атрибутлар ва брендлар кўрсатилган ҳолда) юритилади.*

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**424** «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1749-4*

Ўзбекистон Республикаси «Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида»ги Қонунининг 35-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2022 йил 4 ноябрь,  
59-сон

**Т. ИШМЕТОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2022 йил 27 октябрь,  
2022-34-сон

**Ш. КУДБИЕВ**

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 8 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2022 йил 4 ноябрдаги 59-сон ва  
27 октябрдаги 2022-34-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 17 декабрдаги 108 ва 2007-63-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1749, 2007 йил 17 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 50-51-сон, 530-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 15 сентябрдаги 95 ва 2008-40-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1749-1, 2008 йил 26 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 39-сон, 405-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 8 февралдаги 18 ва 2012-10-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1749-2, 2012 йил 6 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 10-сон, 107-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 22 февралдаги 31 ва 2018-10-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1749-3, 2018 йил 27 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 9-сон, 162-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**425** «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1750-5*

Ўзбекистон Республикаси «Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида»ги Қонунининг 35-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2022 йил 4 ноябрь,  
60-сон

**Т. ИШМЕТОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2022 йил 31 октябрь,  
2022-35-сон

**Ш. КУДБИЕВ**

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 8 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2022 йил 4 ноябрдаги 60-сон ва  
31 октябрдаги 2022-35-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 17 декабрдаги 107 ва 2007-64-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1750, 2007 йил 17 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 50-51-сон, 531-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 30 июндаги 47 ва 2014-26-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1750-1, 2014 йил 11 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 28-сон, 352-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 19 июндаги 81 ва 2017-30-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 18-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1750-2, 2017 йил 22 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 564-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги 41 ва 2018-11-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1750-3, 2018 йил 9 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.03.2018 й., 10/18/1750-3/0872-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 20 январдаги 1 ва 2020-1-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1750-4, 2020 йил 28 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.01.2020 й., 10/20/1750-4/0084-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**426** Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар типидоги Зафаробод посёлкасининг бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимларига муайян давр ишлаганлик учун ойлик тўловлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
10 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1026-2*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ҳамда «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, шунингдек Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар типидоги Зафаробод посёлкасининг бюджет ташкилотлари ходимларига муайян давр ишлаганлик учун ойлик тўловлар олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқишни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2001 йил 5 апрелдаги 2 ва 33-сон қарори (рўйхат рақами 1026, 2001 йил 13 апрель) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив ҳужжатлари бюллетени, 2001 йил, 7-сон) билан тасдиқланган Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар типидоги Зафаробод посёлкасининг бюджет ташкилотлари ходимларига муайян давр ишлаганлик учун ойлик тўловлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири**

**Н. ХУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 20 октябрь,  
31-2022/ҚҚ-сон

**Молия вазири**

**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 20 октябрь,  
57-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 10 ноябрда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси  
Бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирлигининг 2022 йил 20 октябрдаги  
31-2022/ҚҚ-сон ва Молия вазирлигининг  
2022 йил 20 октябрдаги 57-сон қарорига  
ИЛОВА

**Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар  
типидаги Зафаробод посёлкасининг бюджет ташкилотлари ва  
муассасалари ходимларига муайян давр ишлаганлик учун  
ойлик тўловлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3<sup>1</sup>-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3<sup>1</sup>. Мулкчилик шаклидан қатъи назар бошқа ташкилотдан Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар типидаги Зафаробод посёлкасидаги бюджет ташкилотларига ишга кирганда, иш стажи сақланиб қолинади.

Бунда, мулкчилик шаклидан қатъи назар бошқа ташкилотдаги (Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар типидаги Зафаробод посёлкасидаги бюджет ташкилотлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 январдаги 5-Ф-сон фармойишига асосан «Навий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси тизимидан Мактабгача таълим вазирлиги тизимига ўтказилган мактабгача таълим ташкилотларидан ташқари) иш стажи, бюджет ташкилотлари ходимларига муайян давр ишлаганлик учун ойлик тўловлар тўланиши ҳуқуқини берадиган иш стажига киритилмайди.»

2. 4-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида автоматик тарзда шакллантириладиган, QR-код билан тасдиқланган электрон меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**427** Реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкӣ зиённи қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
10 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2569-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ–761-сон «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қийноққа солишдан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 октябрдаги 637-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланувчи хат-хабарларни етказиб бериш, етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2021 йил 22 октябрдаги 655-сон «Олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати ва Миллий гвардияси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг 2014 йил 4 мартдаги 4-қ/қ, 5, 5, 21-сон қарори (рўйхат рақами 2569, 2014 йил 11 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014-й., 11-сон, 135-модда) билан тасдиқланган Реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкӣ зиённи

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 10 ноябрда эълон қилинган.

қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

**Бош прокурор****Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 1 ноябрь,  
33-ҚҚ-сон

**Мудофаа вазири****Б. КУРБАНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 22 октябрь,  
31-сон

**Ички ишлар вазири****П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 20 октябрь,  
53ққ-сон

**Давлат хавфсизлик  
хизмати раиси****А. АЗИЗОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 21 октябрь,  
15-сон

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Давлат хавфсизлик  
хизмати раиси****А. УСМАНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 19 октябрь,  
5-сон

**Миллий гвардия қўмондони****Р. ДЖУРАЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 24 октябрь,  
5145-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратурасининг 2022 йил 1 ноябрдаги  
33-ҚҚ-сон, Мудофаа вазирлигининг 2022 йил  
22 октябрдаги 31-сон, Ички ишлар вазирлиги-  
нинг 2022 йил 20 октябрдаги 53ққ-сон, Давлат  
хавфсизлик хизматининг 2022 йил 21 октябрдаги  
15-сон, Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Давлат хавфсизлик хизматининг 2022 йил  
19 октябрдаги 5-сон ва Миллий гвардиясининг  
2022 йил 24 октябрдаги 5145-сон қарорига  
ИЛОВА

**Реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкӣ зиённи қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкӣ зиённи қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш тартибини белгилайди.»

2. 2-банд қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«**ягона миллий тизим** — хат-хабарлар, хабарномалар, қақирув қоғозлари ва бошқа юридик ҳужжатларнинг электрон тарзда қабул қилиниши ҳамда тегишли почта алоқаси боғламаси томонидан қоғоз кўринишида чоп этилиб, кўрсатилган манзиллар бўйича почта алоқаси объектлари тармоғи орқали етказиб берилишини, етказилганлигини тасдиқлашни, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишни таъминловчи ахборот тизими.»

3. 10-банддаги «Ҳарбий» деган сўз «Олий ҳарбий ва олий ҳарбийлаштирилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 23-банддан «(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 1995 й., 12-сон, 266-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 29-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра чиқарилган оқлов ҳукмида ёки ишни тугатиш ҳақидаги ажримда суд, ишни тугатиш тўғрисидаги қарорда эса суриштирувчи, терговчи, прокурор реабилитация этилган ҳарбий хизматчининг ўзига етказилган мулкӣ зиённи ундириб олиш ҳуқуқини эътироф этишлари лозим. Ҳукм, ажрим ёки қарорнинг нусхаси реабилитация этилган ҳарбий хизматчига топширилади ёки ягона миллий тизимдан фойдаланилган ҳолда почта алоқаси орқали етказиб берилади. Айни вақтда унга ҳукм, ажрим ёки қарор устидан шикоят қилиш тартиби, шунингдек мулкӣ зиённи қоплаш ва бошқа ҳуқуқларини тиклаб олиш тартиби тушунтирилади.»

6. 30-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Реабилитация этиш тўғрисида қарор чиқарган суд, прокурор, терговчи ёки суриштирувчи реабилитация этилган ҳарбий хизматчидан ариза тушган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан мулкӣ зиён миқдорини аниқлайди, зарурат туғилганда бунинг учун вазирлик ва идораларнинг молия органларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимларидан ҳисоб-китоб талаб қилиб олади. Иш апелляция ёки кассация тартибида кўриш чоғида суд томонидан тугатилган бўлса, зиён миқдорини ҳукм чиқарган суд мазкур Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида аниқлайди.»

7. 31-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Мулкӣ зиённинг миқдори ҳисоблаб чиқарилганидан кейин бу зиённи қоплаш учун пул тўловларини амалга ошириш тўғрисида суд ажрим, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради.

Ажрим ёки қарорнинг нусхаси гербли муҳр билан тасдиқланиб, тўловни амалга ошириши лозим бўлган органларга тақдим этиш учун реабилитация этилган ҳарбий хизматчига, у вафот этган бўлса, ушбу Низомнинг 28-бандида кўрсатилган шахсларга берилади ёки ягона миллий тизимдан фойдаланилган ҳолда почта алоқаси орқали етказиб берилади.»

8. 32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1021-моддасига мувофиқ, зарар ҳарбий хизматчига уни қонунга хилоф тарзда ҳукм қилиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф тарзда қўлланиш, қонунга хилоф тарзда маъмурий жазо қўлланиш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш, шунингдек ҳар қандай қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш натижасида етказилган бўлса, маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, қопланиши лозим.»

9. 35-банд «қамалганлиги» ҳамда «терговчининг» деган сўзлардан кейин тегишли равишда «ёки уй қамоғида турганлиги» ҳамда «ва суриштирувчининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**428** Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3352-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ–3413-сон «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 5 мартдаги 52-сон буйруғи (рўйхат рақами 3352, 2022 йил 09 март) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.03.2022 й., 10/22/3352/0199-сон) билан тасдиқланган Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

Тошкент ш.,  
2022 йил 24 октябрь,  
450-сон

**П. БОБОЖОНОВ**

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2022 йил  
24 октябрдаги 450-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-банднинг «д» кичик банди бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«эксперт-криминалистика, иш юритиш ҳамда таҳлилий ва юридик таъминлаш бўлинмаларидаги лавозимларга номзодлар».

2. 31-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«чидамликка оид машқ — 3 000 метрга югуриш».

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 11 ноябрда эълон қилинган.

3. 37-банднинг биринчи хатбошисидаги «1000 метрга» деган сўзлар «3000 ва 1000 метрга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 1-иловада:

биринчи позициядаги «ва киберхавфсизлик» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги иккинчи позиция билан тўлдирилсин:

«

<b>Киберхавфсизлик бўлинмалари бўйича</b>	
Марказ бошлиғи, ўринбосари ва бўлим бошлиғи, бош мутахассис, мутахассис, ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакил, катта тезкор вакил.	ахборот-коммуникация технологиялари таълим соҳаси (тиббиётда компьютер тизимлари телевизион технологиялар, аудиовизуал технологиялар, телестудия тизимлари ва иловалари, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида иқтисодиёт ва менежмент, почта алоқаси технологияси, телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш, аудио-видео технологиялар, махсус ёритиш технологиялари таълим йўналишлари бундан мустасно); таълимда ахборот технологиялари; интеллектуал мулк ва ахборот технологиялари ҳуқуқи; электроника; микроэлектроника; математик инжиниринг; электроника ва электрон техникаси (тармоқлар бўйича) мутахассисликлари; технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича); мехатроника ва робототехника; интеллектуал муҳандислик тизимлари (тармоқлар ва соҳалар бўйича); технологик жараёнларни бошқаришнинг ахборот-коммуникация тизимлари, электрон аппаратуралар ишлаб чиқариш технологияси; амалий космик технологиялар; дронларни лойиҳалаш ва эксплуатация қилиш таълим йўналишлари.

»;

иккинчи — ўн еттинчи позициялар тегишли равишда учинчи — ўн саккизинчи позициялар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги ўн олтинчи позиция билан тўлдирилсин:

«

<b>Эксперт-криминалистика бош марказининг Генетик тадқиқотлар ва шахснинг геном ахборотини давлат рўйхатига олиш бўлими бўйича</b>	
Бўлим бошлиғи, бош эксперт, катта эксперт	биология (турлари бўйича) таълим йўналиши.

»;

ўн олтинчи — ўн саккизинчи позициялар тегишли равишда ўн еттинчи — ўн тўққизинчи позициялар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги йигирманчи позиция билан тўлдирилсин:



«

<b>Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўлинмаларининг Мафкуравий тарғибот йўналиши бўйича</b>	
Бош мутахассис, етакчи мутахассис	диншунослик; исломшунослик, психология (дин соцопсихологияси).

».

5. 8-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

6. 9-илованинг 1-жадвали матнидаги «1000 метрга югуриш» деган сўзлар «3000 метрга югуриш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларга  
ИЛОВА

«Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
8-ИЛОВА

### Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

1. Эрак жинсидаги номзодлар учун:

Т/р	Машқнинг номи	Ўлчов бирлиги	Баҳолаш кўрсаткичлари					
			аъло	асосий балл	яхши	асосий балл	қониқарли	асосий балл
1.	Турникда тортилиш	марта	16 ва ундан юқори	10	14-15	7	12-13	5
2.	100 метрга югуриш	сония	14,0 ичида	10	14,1 — 14,4	7	14,5 — 15,0	5
3.	3000 метрга югуриш	дақика, сония	12,30 ичида	10	12,31 — 12,50	7	12,51 — 13,25	5

2. Аёл жинсидаги номзодлар учун:

Т/р	Машқнинг номи	Ўлчов бирлиги	Баҳолаш кўрсаткичлари					
			аъло	асосий балл	яхши	асосий балл	кониқарли	асосий балл
1.	Куч ишлатиш машқлари комплекси	марта	34 ва ундан юқори	10	32-33	7	28 — 31	5
2.	100 метрга югуриш	сония	17,0 ичида	10	17,01 — 17,8	7	17,9 — 18,4	5
3.	1000 метрга югуриш	дақика, сония	4,30 ичида	10	4,31 — 4,50	7	4,51 — 5,20	5

».

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 4 ноябрдаги 59-сон ва Давлат солиқ қўмитасининг 27 октябрдаги 2022-34-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2022 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1749-4.***

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 4 ноябрдаги 60-сон ва Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 31 октябрдаги 2022-35-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2022 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1750-5.***

3. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 20 октябрдаги 31-2022/ҚҚ-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 20 октябрдаги 57-сон «Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар типдаги Зафаробод посёлкасининг бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимларига муайян давр ишлаганлик учун ойлик тўловлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2022 йил 10 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1026-2.***

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 1 ноябрдаги 33-ҚҚ-сон, Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 22 октябрдаги 31-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 20 октябрдаги 53ққ-сон, Давлат хавфсизлик хизматининг 2022 йил 21 октябрдаги 15-сон, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизматининг 2022 йил 19 октябрдаги 5-сон ва Миллий гвардиясининг 2022 йил 24 октябрдаги 5145-сон «Реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкий зиённи қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2022 йил 10 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2569-1.*

5. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 24 октябрдаги 450-сон «Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

*2022 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3352-1.*

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 17 декабрдаги 108 ва 2007-63-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1749, 2007 йил 17 декабрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1749-1, 2008 йил 26 сентябрь), (рўйхат рақами 1749-2, 2012 йил 6 март) ва (рўйхат рақами 1749-3, 2018 йил 27 февраль).

*2022 йил 8 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 17 декабрдаги 107 ва 2007-64-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1750, 2007 йил 17 декабрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1750-1, 2014 йил 11 июль), (рўйхат рақами 1750-2, 2017 йил 22 июнь), (рўйхат рақами 1750-3, 2018 йил 9 март), (рўйхат рақами 1750-4, 2020 йил 28 январь).

*2022 йил 8 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

